



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 2 » fevral

№ 52

Toshkent sh.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оролбўйи миңтақасини барқарор ривожлантириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 ноябрдаги ПФ-241-сон Фармонига асосан Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган шароити оғир оиласалар ва фуқароларни қўллаб-куватлаш ҳамда овул ва маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

а) Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг баёнига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва Бўзатов, Қораўзак, Кегейли, Кўнғирот, Конликўл, Мўйинқоҳ, Нукус, Тахиатош, Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай туманларига (кейинги ўринларда – шимолий туманлар) бириктирилганлиги;

б) Қорақалпоғистон Республикасидаги барча овул ва қишлоқлардаги аҳоли турар жойлари ҳамда ички йўллар ҳолати бўйича ўтказилган хатловда оғир турмуш шароитидаги оиласаларга тегишли 21 094 та уй-жойларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда 709 та яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги уй-жойларни янгидан куриш, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бириктирилмаган Амударё, Беруний, Элликқалъа ва Тўрткўл туманларидаги (кейинги ўринларда – жанубий туманлар) 2 минг километр тупроқ йўлларга қум-шағал ётқизиш талаб этилиши аниқланганлиги;

в) Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини яратиш, инновацион технологияларни жорий этиш ва инфратузилмалар билан таъминланганлик даражасини янада яхшилаш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 6 сентябрдаги 500-сон қарорида жанубий туманлардаги 123 км тупроқ йўлларга қум-шағал ётқизиш учун 2023 йилда 15 млрд сўм маблағ ажратиш қўзда тутилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон қарорида жанубий туманлардаги ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун 2023 йилда 12 млрд сўм маблағ ажратиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Молия ва иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг хатлов жараёнида аниқланган оғир турмуш шароитидаги оилаларга тегишли **21 094** та уйнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ва **709** та яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги уйларни янгидан қуриш, шунингдек, жанубий туманлардаги **2 минг километр** тупроқ йўлларга қум-шагал ётқизиш ишларини марказлаштирилган тартибда амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шахри ва шимолий туманларидағи оғир турмуш шароитидаги оилаларга тегишли уйларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги уйларни янгидан қуриш ишларининг йигма параметрлари **1-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларидағи оғир турмуш шароитидаги оилаларга тегишли уйларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги уйларни янгидан қуриш ишларининг йигма параметрлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

4. Мазкур қарор доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бўйича буюртмачи этиб:

Нукус шахри ва шимолий туманлардаги оғир турмуш шароитидаги оилаларга тегишли уйларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ва авария ҳолатидаги уйларни янгидан қуриш ишлари бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ДУК;

жанубий туманлардаги оғир турмуш шароитидаги оилаларга тегишли уй-жойларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ва авария ҳолатидаги уй-жойларни янгидан қуриш ишлари бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши хузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ДУК;

жанубий туманлардаги **2 минг километр** тупроқ йўлларга қум-шагал ётқизиш ишлари бўйича – Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманлари ҳокимликларининг Ободонлаштириш бошқармалари белгилансин.

5. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларни қисқа муддатларда якунлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши хузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ДУКга пурдатчи ва лойиха ташкилотларини, шунингдек, товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчиларни маҳсус ахборот порталаида танлов ўтказиш тўғрисида эълон жойлаштирасдан, харид қилиш тартиб-таомилларини электрон шаклда ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаш орқали аниқлаш ваколати берилсин.

6. Белгилансинки:

мазкур қарорга 1-иловада назарда тутилган оғир турмуш шароитидаги оиласарга тегишли уй-жойларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги уй-жойларни янгидан қуриш ишлари – Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари, ҳомийлик хайриялари маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

ушбу қарорга 2-иловада назарда тутилган оғир турмуш шароитидаги оиласарга тегишли уй-жойларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги уй-жойларни янгидан қуриш ишлари – 2023 йил учун Давлат бюджети параметрларида Ўзбекистон Республикаси Президенти топширикларига асосан худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш харажатлари учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан;

жанубий туманлардаги 2 минг километр тупроқ йўлларга кум-шагал ётқизиш ишлари – Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда мазкур қарорга 1-илова билан тасдиқланган йиғма параметрларга мувофиқ маблағлар ажратилишини ҳамда қурилиш материаллари захираси яратилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мазкур қарорга 1-иловада назарда тутилган уй-жойларнинг манзилли рўйхатини шакллантирилиб, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этилишини таъминласин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўн беш кун муддатда жанубий туманлардаги 2 минг километр тупроқ йўлларга кум-шагал ётқизиш ишлари учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан 20 млрд сўм маблағ ажратсин.

10. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган уй-жойларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги уй-жойларни янгидан қуриш ҳамда тупроқ йўлларга кум-шагал ётқизиш ишлари бўйича лойиҳа-смета хужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши устидан тизимли давлат назорати амалга оширилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига маҳаллий ҳокимликлар ҳамда масъул давлат идоралар билан биргаликда:

том қисми таъмирланадиган (ёпиладиган) ва яшаш учун яроқсиз уй-жойларнинг рўйхатини шакллантириш фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чораларни амалга ошириш;

уй-жойларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги уй-жойларни янгидан куриш, шунингдек, тупроқ йўлларга қум-шағал ётқизиш ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

мазкур қарор доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб бориш, шунингдек, долзарб муаммолар ҳал этилаётганлиги юзасидан аҳолига батафсил тушунтириш ва ташвиқот ишларини ташкил этиш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 2 февралдаги 52-сон қарорига
1-илова

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва шимолий туманларидағи оғир турмуш шароитидаги оиласаларга
тегишли уй-жойларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги
уй-жойларни янгидан қуриш ишларининг
ЙИҒМА ПАРАМЕТРЛАРИ

| Т/р | Туман ва шаҳарлар номи | Маҳаллалар сони | Хонадоң-лар сони | Таъмирла-надиган уй-жойлар сони | Шундан | | Талаб этиладиган маблағ (млрд сўм)* | Бириктирилган худуд |
|-----|------------------------|-----------------|------------------|---------------------------------|---|-------------------------------------|-------------------------------------|------------------------------|
| | | | | | том қисми таъмирланадиган (ёпиладиган) уй-жойлар сони | қайтадан қуриладиган уй-жойлар сони | | |
| 1 | Нукус шаҳри | 64 | 73 398 | 2 926 | 2 894 | 32 | 40,2 | Тошкент шаҳри |
| 2 | Бўзатов тумани | 5 | 3 363 | 1 159 | 1 110 | 49 | 16,3 | Фарғона вилояти |
| 3 | Кегейли тумани | 16 | 13 702 | 924 | 920 | 4 | 13,2 | Андижон вилояти |
| 4 | Қонликўл тумани | 11 | 9 023 | 796 | 340 | 10 | 12,6 | Сирдарё вилояти |
| | | | | | 434 | 12 | 16,0 ** | Қорақалпоғистон Республикаси |
| 5 | Қораўзак тумани | 13 | 9 073 | 713 | 706 | 7 | 9,8 | Наманган вилояти |
| 6 | Қўнғирот тумани | 39 | 27 526 | 934 | 889 | 45 | 14,1 | Қашқадарё вилояти |
| 7 | Мўйноқ тумани | 12 | 5 329 | 793 | 651 | 142 | 14,6 | Тошкент вилояти |
| 8 | Нукус тумани | 10 | 10 659 | 970 | 884 | 86 | 14,7 | Самарқанд вилояти |
| 9 | Тахиатош тумани | 13 | 14 326 | 667 | 637 | 30 | 10,2 | Сурхондарё вилояти |
| 10 | Тахтакўшир тумани | 17 | 7 083 | 1 586 | 771 | 40 | 12,8 | Жиззах вилояти |
| | | | | | 728 | 47 | 13,0 ** | Қорақалпоғистон Республикаси |

| Т/р | Туман ва шаҳарлар номи | Маҳаллалар сони | Хонадон-лар сони | Таъмирланадиган уй-жойлар сони | Шундан | | Талаб этиладиган маблаг (млрд сўм)* | Биритирилган худуд |
|-------------|------------------------|-----------------|------------------|--------------------------------|---|-------------------------------------|-------------------------------------|------------------------------|
| | | | | | тот қисми таъмирланадиган (ёниладиган) уй-жойлар сони | қайтадан куриладиган уй-жойлар сони | | |
| 11 | Чимбой тумани | 22 | 20 695 | 964 | 918 | 46 | 15,0 | Навоий вилояти |
| 12 | Шуманай тумани | 13 | 8 525 | 974 | 329 | 20 | 5,5 | Хоразм вилояти |
| | | | | | 599 | 26 | 9,0 ** | Қорақалпоғистон Республикаси |
| 13 | Хўжайли тумани | 26 | 21 413 | 926 | 899 | 27 | 14,6 | Бухоро вилояти |
| Жами | | 261 | 224 115 | 14 332 | 13 709 | 623 | 231,6 | |

Изоҳ:

*) Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва нуқсон далолатномалари асосида аниқлаштирилади.

**) Қорақалпогистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 2 февралдаги 52-сон қарорига
2-илова

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларидағи оғир турмуш шароитидаги оиласарга тегишли уйларнинг том
қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда яшаш учун яроксиз ва авария ҳолатидаги
уйларни янгидан қуриш ишларининг
ЙИФМА ПАРАМЕТРЛАРИ

| T/p | Туман ва шаҳарлар номи | Махаллалар сони | Хонадон-лар сони | Таъмирланадиган уй-жойлар сони | Шундан | | Талаб этиладиган маблағ (млрд сўм)* |
|-------------|------------------------|-----------------|------------------|--------------------------------|---|-------------------------------------|-------------------------------------|
| | | | | | том қисми таъмирланадиган (ёпиладиган) уй-жойлар сони | қайтадан қуриладиган уй-жойлар сони | |
| 1 | Амударё тумани | 49 | 36 065 | 1 868 | 1 856 | 12 | 26,0 |
| 2 | Беруний тумани | 40 | 38 322 | 1 189 | 1 171 | 18 | 21,6 |
| 3 | Тўрткўл тумани | 37 | 39 648 | 2 521 | 2 488 | 33 | 36,8 |
| 5 | Элликқалъа тумани | 37 | 28 905 | 1 893 | 1 870 | 23 | 27,9 |
| Жами | | 163 | 142 940 | 7 471 | 7 385 | 86 | 112,3 |

*) Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва нуқсон далолатномалари асосида аниқлаштирилади.

